

# НАВБАТДАГИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

## НАВБАТДАГИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Музработ тумани ҳокимлиги биносида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуғани Ачилдиев иштирокида туманда “Обод қишлоқ” Давлат дастури асосида олиб борилган ишлар ва келгусидаги режалар мавзусида Матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида ОАВ ва ижтимоий тармоқ фаоллари қатнашишди.

Ушбу матбуот анжуманида сўзга чиқган туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хо‘жалиги масалалари бо‘йича туман ҳокимининг ўринбосари Одил Қурбонсаидов туманнинг “Оби ҳаёт” ва “Мустақиллик” маҳаллаларида “Обод қишлоқ” Давлат дастури асосида олиб борилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ва келгусида қилиниши режалаштирилган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг савол жавобларга навбат берилди.







